

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ НАСРИДДИН АТАҚУЛОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ПОЛИЭТНИК СОЦИУМИДА
МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ
ФАЛСАФИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ТАДҚИҚИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Назаров Насриддин Атакулович

Марказий Осиё полиэтник социумида миллатлараро муносабатлар
такомиллашувининг фалсафий-функционал тадқиқи.....3

Назаров Насриддин Атакулович

Философско-функциональное исследование оптимизации
межнациональных отношений в полиэтническом социуме Центральной
Азии.....

Nazarov Nasriddin Atakulovich

Philosophical-functional investigation optimization of interethnic relation in
the poliethnical socium of Central Asia.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ НАСРИДДИН АТАҚУЛОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ПОЛИЭТНИК СОЦИУМИДА
МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ
ФАЛСАФИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ТАДҚИҚИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Fal30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хоназаров Кўчқор Хоназарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абилов Ўрол Муродович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мадаева Шахноза Омонуллаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мусаев Одил Рахматович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Хўжамуродов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Ж.С. Раматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби в.б.,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Ж.С. Раматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли миллат ва этнос вакиллари истиқомат қилаётган бугунги воқеълик шароитида улар орасидаги муносабатлар такомиллашувини таъминлаш башарият тараққиётининг муҳим кафолати сифатида майдонга чиқмоқда. Инсоният этноижтимоий харитаси ҳеч қайси мамлакат бир миллат вакиллари билан иборат эмаслигини намоён этиб, ўнлаб миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилаётганликлари сабабли миллатлар орасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатларни ўрганишни ҳамда бу жараённинг такомиллашувини таъминлаш борасида тақлиф ва тавсияларни илгари суришни тақозо этмоқда.

Дунёда бир томондан глобаллашув, иккинчи томондан миллатларнинг ўзлигини англаш жараёнлари шиддат билан кечаётган бугунги кунда «миллат», «миллатлараро муносабатлар», «полиэтник социум», «этнослараро жараёнлар», «этник гуруҳлар», «миллий тотувлик», «фуқаровий бирдамлик» тушунчаларининг методологик асосларини ёритишга оид бир қатор концептуал қарашлар илгари сурилиб, назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотлар кўп миллатли жамиятларда этнослараро жараёнларнинг позитив моҳиятини таъминлаш, миллий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда умуминсоний хислатларни юксалтириш, локал ва глобал тенденцияларнинг миллатлараро муносабатлар оптималлашувига таъсири масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Марказий Осиё республикаларида фуқаролик жамияти институтлари қарор топаётган айни пайтда минтақанинг кўп миллатли эканлиги боис, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш муҳим масалаларидан бири сифатида кун тартибидан ўрин олмоқда. Бугунги кунда амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлардан бири «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат»¹ қилиб белгиланган. Республикадаги барқарорлик минтақавий ижтимоий-маданий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ. «Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши кўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради. Евроосиёнинг «юраги»да жойлашган минтақамиз Европа ва Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк бўлиб, Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан чегарадошдир»². Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё полиэтник социумида миллатлараро муносабатлар такомиллашувини ижтимоий-фалсафий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи //Халқ сўзи. 2017 йил, 11 ноябрь.

жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Полиэтник социум ҳамда миллатлараро муносабатлар такомиллашуви масалалари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан The Institute research social opinion of Gallup (АҚШ), The Institute for the study of Religion, Economics and Society (АҚШ), The Institute for the Study Central Asia (Франция), The Institute Central Asian Studies at the Humboldt University zum Berlin (Германия), Max Planck Institute for Social Anthropology (Германия), Civil Society Centre of Fridrich Ebert Foundation (Германия), The Institute of Academy for Study modern International Relation in Europe and Asia (Хитой), Osaka University (Япония), The National University of Seoul (Жанубий Корея), Россия Фанлар академиясининг Н.Н.Миклухо-Маклай номидаги этнология ва антропология институти, Россия Фанлар академияси Фалсафа институти, Россия Фанлар академиясининг Социология институти, Л.Н.Гумилев номидаги Евразия университети (Нур-Султон, Қозоғистон), Қирғизистон Фанлар академиясининг Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқий тадқиқотлар институти (Бишкек, Қирғизистон), Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институти (Душанбе, Тожикистон) тадқиқот олиб бормоқдалар.

³ www.gallup.com; www.iss.europa.eu; www.unesco-iicas.org; www.isprras.ru;
http://www.iwpr.net/cacasmus_index.html; <http://www.emkaztm.info>; <http://www.eth.mpg.de>;
<http://www.noranansk.am/ru> ва бошқалар.

Жаҳонда миллатлараро муносабатлар, этнослараро жараёнлар, Марказий Осиё полиэтник социуми, жамият тараққиётида миллатнинг ўрни масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотларда, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ижтимоий-сиёсий тараққиётда миллатнинг фуқаровий мавқеи, полиэтник социумда этнослараро жараёнларнинг ижтимоий-социологик талқинлари, фуқаровий бирликни таъминлашда мафкуравий омилнинг ўрни асосланган (Max Planck Institute for Social Anthropology, Германия); миллатнинг ижтимоий ҳаётдаги мақоми ва мавқеи аниқланган (The Institute for the Study Central Asia, Франция); умуминсоний цивилизация ривожига Марказий Осиё омилнинг ўрни, этник хусусийликнинг умуминсоний яхлитлик сари ўсиб ўтишида маданий омилларнинг ўрни масалалари ишлаб чиқилган (Osaka University, Япония), The National University of Seoul, Жанубий Корея); мустақил республикаларда миллий ўзликни англаш, Марказий Осиёда маданият ва мафкуравий мақсадлар илмий асосланган (The Institute Central Asian Studies at the Humboldt University zum Berlin, Германия), Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар шаклланиши ва ривожининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари тадқиқ этилган (Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Дунёда миллатлараро муносабатлар такомиллашуви бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: минтақавий барқарорликни таъминлашда халқаро ташкилотларнинг ўрни, миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқиш сабаблари, глобаллашув шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, маданиятлараро мулоқот жараёнларининг миллий ва минтақавий интеграциялашув ва умуминсоний ўзликни англашга таъсири, глобаллашув ва миллий тиллар, умуммаданий яхлитликни таъминлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллатлараро муносабатлар, миллат-этнос, миллатчилик, этноцентризм, субэтнос, миллий ва фуқаровий бирлик, миллатлараро мулоқот мавзусидаги, шунингдек, жаҳон маданиятида туркий халқларнинг ўрни, цивилизациялар ривожига этник омилларнинг таъсири, Буюк Ипак йўли этнотарихий ва ижтимоий-маданий тараққиёт омили эканлиги, Марказий Осиё этносларига хос хусусиятлар назарий жиҳатдан баён этилган хорижий олимларнинг қарашларини ҳамда зиддиятли ҳудудларда этник яхлитликни таъминлаш йўлида халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий-норматив актлари муаммонинг ўрганилганлик даражасига мисол бўла олади.

Муаммонинг умумназарий хусусиятлари, жумладан миллатлараро муносабатларнинг этносиёсий жиҳатлари, ижтимоий соҳани уйғунлаштириш муаммолари тадқиқ этилиб, мустақиллик йилларида Марказий Осиё республикаларидаги сиёсатчи, файласуф ва тарихчи олимлар томонидан миллий маънавият, миллий ўзликни англаш муаммоларига бағишланган асарлар, илмий ва даврий нашрлардаги мақолалар ҳам ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Бугунги глобаллашув шароитида миллат мавқеи, миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашда миллатнинг

ўрни, миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар, миллий тикланиш ва ўзликни англаш, диний омилнинг миллий ўзликни англашга таъсири, миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар, глобаллашув ва миллий тиллар, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар шаклланиши ва ривожининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари, миллат, миллий ўзликни англаш, этнослараро жараёнлар каби масалаларни А.Асқаров, К.Шониёзов, С.Отамуратов, Б.Каримов, И.Хўжамуродов, А.Очилдиев, В.Қўчқоров, А.Аширов, О.Мусаев, Р.Назаров ва бошқалар тадқиқ этган, миллатлараро муносабатларнинг лингвистик жиҳатлари, миллий ғоя миллий тотувлик омили эканлиги Қ.Хоназаров, И.Эргашев, З.Арифханова, Ж.Жабборов тадқиқотларида таҳлил этилган⁴. Юқорида таъкидланган монография ва илмий асарлар билан бир қаторда мавзуга алоқадор диссертацион тадқиқотлар ҳам илмий-назарий манба сифатида доимий диққат-эътиборда бўлди.

Миллий мустақиллик шароитида ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида миллий манфаат, маънавий тикланиш, миллатлараро муносабатлар, миллий ўзликни англаш, давлат сиёсатида шахс миллий ўзлигини англаши муаммолари: жумладан, мустақиллик шароитида шахс миллий ўзлигини англашнинг ижтимоий-сиёсий омиллари, шахс миллий ўзлигини англашининг миллий муносабатлар тизимидаги ўрни, ўзбек халқи миллий (этник) ўз-ўзини англашнинг шаклланиши муаммолари ва унга исломнинг таъсири, миллий истиқлол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили, мафкуравий ва этник жараёнлар ривожланиши диалектикаси, Марказий Осиё минтақасида этносоциал муносабатлар, минтақадаги этносоциал муносабатлар ва уларнинг ечимлари, минтақавий ҳамкорлик жараёнларини таъминлашда Ўзбекистон омилига бағишланган бир қатор диссертациялар ҳам ҳимоя қилиндики, улар тадқиқотнинг назарий-эмпирик базасини мустаҳкамлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг муштараклиги» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиё полиэтник социумида миллатлараро муносабатлар такомиллашувининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Марказий Осиё, полиэтник социум, миллат, этнос, миллатлараро муносабатлар тушунчаларининг янги талқинларини илгари суриш;

«Харакатлар стратегияси» концептуал ғоялари асосида Марказий Осиёда турфа миллат вакиллари фаолиятини умумий мақсад сари

⁴ Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар» рўйхатида берилган.

йўналтириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик, барқарор тараққиёт, яхши кўшничилик масалаларини очиб бериш;

миллий муносабатлар тизимида шахсий ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш, умуминсоний ўзликни англаш жараёнининг ривожланиш эволюциясини таҳлил этиш;

миллатнинг шаклланиш ва ривожланишида «этнос-империя-миллат-миллий тараққиёт» каби босқичларини тадқиқ қилиш;

миллатлараро муносабатлар ва ўзликни англашда диалектик алоқадорлик ҳамда симбиозлик хусусиятларини аниқлаш;

Марказий Осиё минтақасида миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда Ўзбекистон ташаббусларининг позитив натижаларини қиёсий таҳлил этиш;

минтақа республикаларида ўзбек маданий бирлашмалари фаолиятини таҳлил этиб, уларнинг миллий бирликни таъминлашдаги фаолияти билан бир қаторда минтақавий ҳамкорликни таъминловчи куч эканлиги бўйича таклиф ва тавсияларни илгари суришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Марказий Осиёда миллатлараро муносабатлар эволюцияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети миллатлараро муносабатлар эволюциясига таъсир этувчи омилларнинг илмий таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантикийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, анализ, синтез, эмпирик, кузатув, сўров каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Ҳаракатлар стратегияси» дастурий вазифалари доирасида Марказий Осиё халқлари орасида миллатлараро тотувлик, барқарор тараққиёт, аҳил кўшничилик, халқ дипломатияси, маданиятлараро мулоқот ҳамда бир-бирини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фаолиятни тарғиб этиш муҳимлиги илмий асосланган;

миллий муносабатлар тизимида шахсий ўзликни англашдан миллий ўзликни англаш орқали умуминсоний ўзликни англаш сари ривожланиш эволюцияси ва унинг миллатлараро муносабатлар тараққиётига позитив таъсири очиб берилган;

«Бешта муҳим ташаббус» концепцияси доирасида миллатлараро муносабатлар субъекти бўлган ёшларни маданият, санъат ва спорт соҳаларига кенг жалб этиш Марказий Осиё минтақасида миллий тотувликни таъминлашда муҳим омил эканлиги асослаб берилган;

«миллат» тушунчаси умумжамиyat ғоясига эга бўлиб, муайян давлат таркибига бирлашган этнослар ҳосиласи эканлиги, «миллатлараро муносабатлар» шахс ва миллатлар билан бир қаторда давлатлараро муносабатларни ҳам ўзида мужассам этиши, «этнос»тил, жамоавий код (урф-одат, анъана, миллий ўзликни англаш, ҳудуд), менталь хусусиятлар (тафаккурдаги ўзликни англаши, тарихий онг, умумий руҳият) ядросини мужассамлаштирган кишилар гуруҳи эканлиги билан бойитилган;

миллатнинг шаклланиш жараёни ва тараққиёт босқичларини акс эттирувчи ўзига хос «этнос-империя-миллат-миллий тараққиёт» тизими ишлаб чиқилган;

Марказий Осиё минтақасида миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда Ўзбекистон ташаббусларининг позитив натижалари мамлакатнинг халқаро имижини белгилайдиган асосий омиллардан бири эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертацияда 2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши доирасида миллий тотувлик, жумладан миллатлараро муносабатлар такомиллашуви борасида фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, миллий маданий марказлар фаолиятлари учун амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Марказий Осиё минтақасида ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатларнинг янги босқичга кўтарилаётганлиги шароитида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» концептуал ғоядан «Марказий Осиё – умумий уйимиз» концептуал ғояга ўсиб ўтишнинг зарурийлиги ёритилиб, амалга ошириш механизмлари илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилиб, тўпламларда нашр этилганлиги, ОАК рўйхатидаги махсус илмий-назарий журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография, респондентлар билан ўтказилган социологик сўровлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар, илмий хулосалар ижтимоий-фалсафий фанларда мавзуларни бойитиш билан бирга фалсафий, социологик ва сиёсий тадқиқотларда фойдаланиш билан изоҳланади. Амалий аҳамияти шундан иборатки, ундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари Кўмитаси фаолиятида, кўп миллатли жамоалар ҳамда маҳалла органларида аҳоли орасида муносабатларни мувофиқлаштириб боришда, шунингдек ёшларда миллий ўзлик билан бир қаторда ўзаро умумийликни таъминлаш тадбирларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича илмий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

«Ҳаракатлар стратегияси» дастурий вазифалари доирасида Марказий Осиё халқлари орасида миллатлараро тотувлик, барқарор тараққиёт, аҳил кўшничлик, халқ дипломатияси, маданиятлараро мулоқот ҳамда бир-бирини кўллаб-қувватлашга йўналтирилган фаолиятни тарғиб этиш муҳимлигига

доир таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси фаолиятида миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришда, республикада истиқомат қилаётган миллат ва элатлар орасида дўстлик муҳитини юксалтиришда, Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар орасида ўзаро яхши қўшничилик ва дўстона ҳамкорлик жараёнларини юқори босқичга кўтаришда қўлланилмоқда (Республика Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитасининг 2018 йил 3 майдаги 01-09-699-сон маълумотномаси). Булар жамиятда миллий тотувликни таъминлаш борасида «Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган вазифалар ижросида ижобий роль ўйнаган;

миллий муносабатлар тизимида шахсий ўзликни англашдан миллий ўзликни англаш орқали умуминсоний ўзликни англаш сари ривожланиш эволюцияси ва унинг миллатлараро муносабатлар тараққиётига позитив таъсирга доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг «Ўзбекистон – умумий уйимиз» ва «Миллий ўзлик» жамоатчилик сўровларини ўтказишда тайёрланган дастур ва сўровномаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2018 йил 30 апрелдаги 01-16/156-сон маълумотномаси). Натижада республикада миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш ва миллий ўзликнинг эмпирик жиҳатларини ўрганишда назарий-методологик тадқиқотларга таяниш имконини бериб, концептуал қарашлар ва эмпирик жараёнлар уйғунлигини таъминлашга хизмат қилган;

«Бешта муҳим ташаббус» концепцияси доирасида миллатлараро муносабатлар субъекти бўлган ёшларни маданият, санъат ва спорт соҳаларига кенг жалб этиш, улар орасида адолат мезонини қарор топтириш бўйича хулосалар «Адолат» социал-демократик партияси фаолиятидаги тарғибот ишларини янада оптималлаштиришга хизмат қилмоқда (Республика «Адолат» социал-демократик партиясининг 2018 йил 1 майдаги 01-03/234-сон маълумотномаси). Бу борада ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар мақсадли дастурлар воситасида жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга, миллий тотувлик, тинчлик ва тараққиётни янада мустаҳкамлашга, тарғибий фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

миллат, миллатлараро муносабатлар, фуқароларнинг миллий ўзлигини англаш эволюцияси, этнос тушунчаларига оид муаллифлик таърифларидан «Социология» дарслигининг «Социал гуруҳлар», «Жамиятнинг социал структураси ва стратификацион жараёнлар», «Ижтимоий тараққиёт социологияси» мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (274-011-сон гувоҳнома, Олий ва ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июндаги 89-03-2490-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 2019 йил 12 июндаги 16-1/240-сон маълумотномаси);

миллатнинг шаклланиш жараёни ва тараққиёт босқичларини акс эттирувчи ўзига хос «этнос-империя-миллат-миллий тараққиёт» тизими тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий университетида “Геосиёсат асослари” ҳамда “Глобаллашув асослари” номли ўқув-услубий қўлланмаларининг “Геосиёсат ва ижтимоий ҳаёт соҳалари”, “Глобаллашув жараёнларида миллат ва миллий ўзликни англаш” деб номланган мавзуларини тайёрлашда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 майдаги 89-03-1908-сонли маълумотномаси);

Марказий Осиё минтақасида миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда Ўзбекистон ташаббусларининг позитив натижалари мамлакатнинг халқаро имижини белгилайдиган асосий омиллардан бири эканлиги тўғрисидаги ғоялардан Тожикистон ўзбеклар жамияти фаолиятида (Тожикистон ўзбеклар жамиятининг 2018 йил 23 апрелдаги 21-сон маълумотномаси), этнослар орасидаги алоқаларни уйғунлаштиришда, жумладан ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик, бир-бирини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фаолиятларни тарғиб этиш масалаларида фойдаланилмоқда. Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши кўп миллатли Марказий Осиё жамиятида миллатлараро муносабатлар такомиллашувига, шунингдек, миллий тотувлик ва ҳамжиҳатликка асосланган манфаатли ҳамкорлик ривожига ижобий таъсир кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, 1 та фалсафий-оммабоп асар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, шунингдек, хорижий илмий-оммавий журналларда 6 та мақола, тўпламларда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн икки параграфни ўз таркибига олувчи бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 270 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети ва методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти,

амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Марказий Осиё полиэтник социуми моҳияти, миллат ва миллатлараро муносабатларнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида Марказий Осиё ҳамда полиэтник социум тушунчаларига нисбатан қарашлар таҳлил этилиб, уларнинг воқеъликка мос талқини илгари сурилган. Маълумки, Марказий Осиё ҳақидаги илмий, илмий-оммабоп ҳамда публицистик асарларда ушбу минтақани геосиёсий ҳудуд сифатида талқин қилиш одат тусига кирган. Ушбу минтақа геосиёсий ҳудуд бўлиши билан бир қаторда Марказий Осиёда бир юзу қирқдан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилиб, ўзларининг ижтимоий-маданий фаолиятини ушбу ҳудуд билан чамбарчас боғлаганлиги сабабли у, шунингдек, этномаданий ва этноижтимоий ҳудуд ҳамдир.

Маълумки, дастлаб Марказий Осиё атамаси ўн тўққизинчи асрда географ ва тарихчи Александ фон Гумбольдт томонидан Олтойдан жанубга томон Ҳимолай тоғларининг шимолий ён бағирларигача бўлган ҳудудни қамраб олган ҳудудга нисбатан ишлатилган эди. Лекин, бугун тор, яъни сиёсий маънода МДХ давлатлари таркибига кирувчи – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон давлатлари ҳудудини қамраб олади. Демак, Марказий Осиё йирик геосиёсий кенглик бўлиши билан бир қаторда, кўплаб миллат ва элатлар маскан топиб, этноижтимоий ва этномаданий жараёнлар амалга ошган минтақа сифатида қаралмоғи лозим. Марказий Осиё минтақасида этнослараро жараёнларда консолидациялашув ва ассимиляциялашув ҳолатлари ҳам амалга ошиб, ушбу жамиятнинг кўп миллатлилиги характерини таъминлади. Жамият – анъанавий, индустриал, постиндустриал ва ахборотлашган жамиятларга бўлиниб, ҳар бир ижтимоий босқичнинг мазмун-моҳияти – замон ва маконнинг характерли хусусияти билан боғлиқ бўлади. Ўзаро алоқадорлик диалектикаси бўйича нафақат социум ва жамият, балки табиат ва жамият ҳам алоҳида компонентларнинг яхлит бирикмаси сифатида намоён бўлади. Бунда инсон жамият ва социумга алоқадор онгли қатлам вакили бўлиши билан бир қаторда генетик жиҳатдан табиатнинг бир қисми, жамият эса – табиатнинг ижтимоийлашган бўлагидир. Социум жамиятнинг мавжудлик формаси бўлиши билан бирга унинг сифатий ривожланган қисмидир. Социумда жамиятнинг ўзга бўлакларидан фарқли равишда ижтимоий муносабатлар барқарор моҳият касб этиб, олди-берди, алоқа, муомала – маданий асосларга қурилган бўлади. Жамият ижтимоий муносабатларнинг тарихан ташкил топган шакли бўлса, социум – глобал ахборотлашув таъсиридан маданиятларнинг ижобий қирраларини ўзида мужассам этган ижтимоий муносабатларнинг сифатий бирлигидир. Социумда инсонлар ижтимоийлашуви фаол характер касб этиб, маданий-ахлоқий хусусиятларни ўзида мужассам этиш билан бир қаторда, уларни намоён қилиб боради. Социумда муайян мақсадга қаратилган фаолият етакчилик қилиб, ушбу фаолият умуммақсад сари йўналтирилган бўлади. Шунингдек, тадқиқотда

миллат-этнос назариялари таҳлил этилиб, ушбу жараённинг тадрижий такомил афроғлича тадқиқ қилинган.

Этнос тушунчасини дастлаб рус олими С.М.Широкогоров (1887-1939 йй.) Россияда илмий муомалага киргизган. Унинг фикрича этнос: «Ягона тилда сўзлашувчи, бир ҳудудда яшовчи ҳамда яхлит илдизга эга бўлган кишилар йиғиндисидир»⁵. Бу тушунчанинг оммалашувида рус олими Ю. В. Бромлейнинг хизматлари катта бўлди. Унингча, «...этнос муайян ҳудудда кишиларнинг тарихан шаклланган ўзига хос психик, маданий (шу жумладан тил ҳам), ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини аташ, яъни этнонимнинг умумийлигидир»⁶. Ҳақиқатан ҳам этнос тил, тарихий онг, урф-одат, анъаналарнинг ўхшашлиги, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини аташнинг умумийлигидир. Этнос ўзликни англашнинг барқарорлиги сифатида инсоният глобал оламининг локал кўринишидир. Яъни:

1. Инсониятга мансублик бевосита муайян этносга мансубликдан ибтидо олиб, умуминсоний маданият ҳамда тафаккур тараққиёти бевосита муайян этноснинг ижтимоий-маданий тараққиёти билан боғлиқ.

2. Унинг локаллик моҳияти – инсониятнинг кичик бир бўлаги сифатида кўриниш бераётганлигида. Лекин, океанга хос хусусиятлар кичик бир заррада ҳам мужассам бўлганидек, муайян этнос йирик ёки кам сонли бўлишидан қатъий назар инсоният цивилизациясини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ўзлигини намоён эта олиш хусусиятини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Миллат – инсоният тараққиётининг сифатий босқичга кўтарилган даврига хос бўлиб, этноснинг сифат жиҳатидан яхлит, умумий миллий характерга эга бўлган кўринишидир. Этник гуруҳлар орасида иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши, этник тарқоқликнинг барҳам топиши натижасида этносиёсий ҳаётда янги жараён – миллатнинг шаклланиш жараёни бошланади. Миллатнинг шаклланиш жараёнида барқарор иқтисодий турмуш тарзи, муштарак ҳудуд ва кишилар дунёқарашида аниқ ўзликни англашнинг таркиб топиши сезиларли аҳамиятга эга. Миллат – этносларнинг этник сифатий тараққиёти ҳосиласидир.

Миллатлараро муносабатлар – турли этнос ва этник гуруҳ вакиллари орасида ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий ва маънавий алоқалар йиғиндиси бўлиб, турфа миллат вакилларида иборат жамият аъзоларининг ўзаро мулоқоти ва ҳатти-ҳаракатининг ҳосиласи сифатида намоён бўлувчи ижтимоий-фалсафий категория сифатида қаралган. Миллатлараро муносабатлар ижтимоий-сиёсий жиҳатдан институционал даражада функционал характер касб этиб, давлатлараро ҳамда жамиятлараро, шунингдек, давлат ва жамият ташкилотлари даражасида гуруҳлар, турфа этносларга мансуб шахслар орасида муносабат олиб боришга мойиллиги билан характерлидир.

⁵Широкогоров С.М. Этнос: исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений //Изв. Восточного факультета Дальневосточного Ун-та. 1923. XVIII. Т.1.Предисловие. С. 4-7.

⁶Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983. Стр. 57-58.

Миллатлараро муносабатлар ифодаланиши жиҳатидан икки маънони билдиради, биринчиси муайян жамиятдаги этнос ва этник гуруҳлар орасидаги муносабатларни билдирса, иккинчи томондан полиэтник жамиятлараро муносабатларнинг реал ҳолатини ифодаловчи тушунча сифатида ҳам умуминсоний моҳиятга эга.

Қўлланилиши жиҳатидан миллатлараро муносабатлар кенг, ўрта ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода миллатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, миллий, маданий ва маънавий соҳалардаги фаолияти жараёнидаги ўзаро муносабатлари сифатида намоён бўлса, ўрта маънода – бир миллат таркибидаги элатлар ўртасида намоён бўлувчи ижтимоий фаолиятдир. Тор маънода эса турли миллат ва элатга мансуб шахслар орасидаги маиший муносабатларда намоён бўлади. Лекин, ҳар қандай кенг ва ўрта маънодаги тушунчанинг манбаси тор маънодаги ибора замиридан бошланади. Демак, миллатлараро муносабатлар дастлаб шахслараро мулоқот ва алоқаларда намоён бўлишини эътироф этиш мумкин бўлади.

Иккинчи боб **«Миллатлараро муносабатлар парадигмаларида миллий ва этноижтимоий жараёнлар моҳияти ва симбиозлик хусусиятлари»** деб номланиб, унда миллий ва этноижтимоий жараёнларга оид концепцияларга муносабат билдирилади. Этносни ташкил этувчи омиллар, яъни интеграция, консолидация, ассимиляция, дифференциация ва этник трансформациялар ҳақида атрофлича тўхталиб, ушбу омилларнинг Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги ўрнига эътибор қаратилади. Шунингдек, макроэтнос, этнос, микроэтнос, ёки субэтнос тушунчаларига аниқлик киритилади. Миллатлараро муносабатлар ва миллий ўзликни англаш масалаларининг концептуал симбиозлик масалалари таҳлил этилиб, шахсий ўзликни англаш, миллий ёки этноижтимоий ўзликни англаш ҳамда умуминсоний ўзликни англаш масалалари таҳлил этилиб, миллий ўзликни англаш – этноснинг миллат сифатида позитив ривожланишининг давомийлиги учун заминдир, дейилади. Миллий ўзликни англаш - ўз миллий-худудий бирлигида истиқомат қилувчи миллатдошлари тақдири, уларнинг ўтмиши ва келажагига, юртнинг равнақига масъулиятни чуқур ҳис этиш билан бир қаторда, ушбу миллий-худудий бирликдан ташқарида яшовчи миллатдошларининг ҳам тақдирига бефарқ бўлмаслик сифатида қаралади. Шахснинг миллий давлатчилигига бўлган позитив муносабати ҳамда фуқаролик мавқеини идрок этиш ҳам миллий ўзликни англашнинг компонентлари ҳисобланиб, тафаккур ривожига имкон яратади. Тафаккурдаги бундай ривожланиш кўп миллатли жамиятда миллатлараро муносабатлар такомиллашувини таъминлайди. Бугун ҳар бир миллат вакили ва ҳар бир шахс ўзлигини билиб, миллий келиб чиқишини чуқур англаб идрок этган ҳолда умумцивилизация тараққиётига ҳисса қўшиши лозим. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, кейинги йилларда Россиялик олимлар томонидан этник бирликлар типологияси ҳақида бир неча назарий конструкциялар илгари сурилмоқда. А.А.Кара-Мурза томонидан «этнос-

империя-миллат» формуласи илгари сурилган бўлса ⁷, В.М.Межуев томонидан «этнос-миллат-цивилизация» формуласи илгари сурилмоқда⁸. Ҳар икки формуладаги ўзига хос ижобий томон шундан иборатки, А.А.Кара-Мурза формуласида муайян этнос империяни ташкил қилиб, мустақкам империя миллат шаклланишида асосий ўрин эгаллаши таъкидланса, В.М.Межуев формуласида этнос миллатни шакллантирувчи асосий куч ва миллат умумцивилизация томон интилувчи этник бирлик сифатида қаралади. Бизнинг фикримизча, миллатнинг шаклланиш ва тараққиёт жараёнини қуйидаги ўзига хос тизим билан ифодалаш мумкин: «этнос-империя-миллат-миллий тараққиёт». Масалан, ўтмишда, дастлаб этник тарқоқ бўлган туркий элатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳудудий бирлашуви туфайли бугунги ўзбек миллати вужудга келди. Ана шу тарқоқ элатларни бирлаштириш учун кучли империя керак эди. Амир Темурнинг кучли иродаси, сиёсий маҳорати ва ҳокимиятни бошқаришдаги қобилияти туфайли туркий халқлар яшаган тарқоқ ҳудудлар ягона империяга бирлаштирилди.

Биз ўз тадқиқотимизда миллатнинг тарихийлик, миллий давлатчилик, миллий тараққиёт сари юз буриши концепцияларини илгари сурмоқдамиз. Юқорида келтирган далилимиз миллатнинг тарихий-цивилизацион концепциясига мос. Унинг моҳияти шундан иборатки, этнотарихий тараққиёт натижасида этнос миллат сифатида шаклланиб, ўзида миллий хусусиятларни сингдира бориб, ривожланиш босқичига ўтади. Ўзбек миллати ҳам этнотарихий тараққиёт натижасида миллий характер ва хусусиятларни ўзида мужассам этиб, этник бирлик сифатида ўзлигини намоён эта олган этноижтимоий ва этномаданий организмдир. Миллий давлатчилик концепцияси эса – миллий сиёсий бирлик этник тараққиётни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш билан бир қаторда ривожланаётган этник бирликнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишининг кафолати сифатидаги талқинидир. Ўз навбатида этник бирлик жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида маданиятларнинг илғор қирраларини ўзида мужассам этиб, миллий тараққиёт ғояси асосида умумцивилизация ривожига ҳисса қўшиб, тинчлик ва тотувликни таъминлашга камарбаста бўладики, бу диссертацияда илгари сурилаётган миллий тараққиёт концепциясининг моҳиятини ташкил этади.

Шунингдек, жамиятдаги реал ҳолат ва пировард мақсаддан келиб чиқиб, диссертацияда этнофуқаролик концепцияси ҳам илгари сурилмоқдаки, бу фуқаролик жамияти институтлари шаклланаётган кўпмиллатли анъанавий жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий тузилмалар – Миллий хавфсизлик тизими, Миллий банк, Миллий университет, Миллий мустақиллик, Миллий истиклол ғояси – фақатгина асосий миллат манфаатини ифодаламасдан, жамиятда мавжуд 136 миллат вакиллари

⁷ Кара-Мурза А.А. “Империя” и “Нация” как два варианта умиротворения конфликтов в посттоталитарном пространстве. //Взаимодействие политических и национально-этнических конфликтов. Материалы международного симпозиума. Москва, 1995. Ч. 1. – С. 48-56.

⁸ Межуев В.М. Россия в поисках идентичности. //Взаимодействие политических и национально-этнических конфликтов. Материалы международного симпозиума. М. 1994. Ч.1. – С. 30-41.

манфаатини ифодалар экан, демак, биз миллат моҳиятини этник тушуниш тафаккуридан миллат моҳиятини этатистик (nation-state) тушуниш сари бормоқда эканмиз, бу эса икки йирик нуқта орасидаги муайян бир оралик босқични талаб этади. Бу оралик босқичда этнослар тафаккурида фуқаролик жиҳатларини мустаҳкам қарор топтириб, ривожлантириш лозимлиги концепциясини илгари сурган ҳолда, ушбу оралик даврни этнофуқаролик термини билан ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Учинчи боб **«Миллатлараро муносабатлар такомиллашувида Ўзбекистон омили ва тажрибаси: анъанавий феноменологик таҳлил»** деб номланиб, унда «Ҳаракатлар стратегияси» асосида янгиланаётган Ўзбекистон шароитида миллатлараро муносабатлар масалаларига эътибор қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ҳаракатлар стратегияси»нинг қабул қилиниши миллий тараққиётни таъминлашда янгича босқич бўлганлиги эътироф этилади. Миллий тотувликни таъминлаш жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиб, жамият аъзоларининг маънавий камолотида, фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришда зарурий аҳамиятга эга. «Ҳаракатлар стратегияси» асосида кўп миллатли ва кўп диний конфессияли Ўзбекистон шароитида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойилларига эътибор янада кучайтирилиб, ўзаро дўстона муҳит тобора такомиллаштирилиб борилаверади. Бу эса ўз навбатида миллий тараққиётнинг ривожини таъминлаб, миллатнинг жаҳон миқёсида бўй-бастини намоён этишида етакчи ўрин тутади.

«Ҳаракатлар стратегияси»даги миллатлараро тотувлик концепцияси феноменологик ҳолат сифатида миллат моҳиятига, унинг тадрижий такомиллига, миллатларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига реал ёндашиб, турфа миллатлар тафаккурида ягона фуқаролик менталитетини янада юксалтириш масалаларига эътибор қаратиш ҳамда этнослар фаолиятини миллатлараро муносабатларнинг ижобий ривожини таъминлашга йўналтиришни тақозо этади.

Марказий Осиёда миллатлараро муносабатларнинг у ёки бу ривож бевосита минтақадаги марказий ижтимоий-сиёсий бирлик - Ўзбекистон омили билан боғлиқ. Минтақавий муносабатлар мувозанатини сақлашда ана шу омилга эътибор қаратиб, унинг ижобий йўналишини таъминлаб бориш нафақат минтақа, балки Евроосиё тараққиёти учун ҳам муҳим бўлиб, ушбу омил шунингдек Евроосиё ва Марказий Осиёдаги ўзаро муносабатлар меъёрини ҳам таъминлаб туради. Модомики шундай экан, ижтимоий тафаккурда ушбу жиҳатлар барқарорлигини таъминлаш воқеъликка реал баҳо беришда зарур. Миллий тотувлик, демократик тараққиёт ва инсон манфаатларини етакчи ўринга қўйиш, экстремизм, терроризм, шовинизм ва миллатпарастликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш «Ҳаракатлар стратегияси» доирасида мамлакатда олиб борилаётган миллий сиёсат негизини ташкил этади. Худди шу мақсадда Республикада амал қилаётган Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси ҳамда ушбу Қўмита негизида фаолият кўрсатаётган Миллий маданий марказлар ўзлари мансуб бўлган миллат тарихи, маданияти,

ижтимоий турмуш тарзи ҳамда этнографиясини қўшни миллат ва элатлар этноижтимоий ва маданий атрибутлари билан алоқадорликда ўрганиб, ўзига хос урф-одатларини тадқиқ этиб, ушбу миллий менталитетдаги ижобий қирраларни тарғиб қилиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда кишилар онгида янгича дунёқараш, янгича фикрлаш ғояси шаклланиб, миллий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилган шароитида ўзлигини англаб, келажак авлодлар ҳаётига мустаҳкам пойдевор яратиш орзусида яшаётганликлари қувонарли ҳолдир. Байналминал мавқеда туриб ўзлигини англаш, миллий-маданий анъаналарни халқ орасида тарғиб қилиб, янгича яшаш ва янгича меҳнатга жалб этиш – бу табиий равишда «Ҳаракатлар стратегияси»да илгари сурилган концептуал ғоялар асосида жамиятнинг ижтимоий-маданий тараққиётига, жумладан миллатлараро муносабатлар такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон этноижтимоий бирлигида миллатлараро муносабатлар такомиллашувида мамлакатдаги кўп миллатли аҳолининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, миллий тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга йўналтирилган фаолиятни янада рағбатлантириш улуғ мақсадлар реализацияси йўлидаги муҳим қадам бўлиб, фуқаровий бирдамлик ва яқдил ҳаракат бевосита ушбу омил билан боғлиқ. Айниқса, «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори доирасида турли миллат ва элатлар иштирокида ўтказилаётган тадбирлар Ўзбекистон фуқаролари тафаккурида ягона оилага мансублик хислатини ривожлантириши фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган бугунги шароитда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда амал қилаётган миллий маданий марказлар фаолиятига давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилаётганлиги миллатлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ҳамда миллий-тарихий кадриятларимизнинг ривожини учун асосий омилдир. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб, уларнинг аксарияти ўз миллий маданий марказлари атрофига бирлашган эканлар, бу Ўзбекистон халқларининг бағрикенглигидан ва ўзаро ҳурмат асосида яшаб келаётганликларидан гувоҳдир. Шунингдек, жамиятдаги фуқаровий тотувликнинг асосида этник барқарорлик ётади. Миллий маданий марказлар муайян этносга мансуб аҳолини бирлаштирувчилик функцияси билан бир қаторда, анъанавий халқ маданиятини тарғиб этиш хусусияти билан ҳам эътиборга лойиқ. Республикада миллий маданий марказларнинг ўз миллий урф-одат, анъана ва этник хусусиятларини қайта тиклаб, тарғиб этишини таъминлаш билан бир қаторда, улар ўз функционал вазифалари доирасидаги фаолиятини ўзаро тинч-тотувлик, умуминсоний кадриятларга мансублик тамойиллари асосида мувофиқлаштириб, мамлакатда этноижтимоий вазиятнинг янада барқарор мазмун касб этишида асосий роль ўйнаётганликлари эътироф этилган. Тўртинчи боб **«Минтақавий этнослараро жараёнлар: умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик ҳамда соғлом тафаккурни таъминлашнинг мантиқий-қиёсий талқини»** деб номланиб, унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистондаги этномаданий ва ижтимоий жараёнларга тўхталиб, қиёсий таҳлил этилади. Қозоғистон Марказий Осиё

минтақасида миллий муносабатларнинг оптимал моҳиятини таъминлаган давлатлар сирасида миллий бирлик ва тотувлик давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлиб келаётгани билан эътиборга сазовордир. Қозоғистон жамияти минтақа полиэтник социумидаги полиэтник ҳудуд сифатида фуқаровий бирликни сақлаш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш тараққиётнинг бугунги даражасини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб келинаётганлигини эътироф этиш лозим. Қозоғистонда истиқомат қилувчи юздан ортиқ миллат ва элатларнинг этномаданиятини тарғиб этиб, этнослар фаолиятини ягона мақсад йўлига сафарбар этиш мақсадида Қозоғистон халқи Ассамблеяси 1995 йилнинг 1 мартида Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузурида Маслаҳат-кенгаш органи сифатида таъсис этилиб, ўтган чорак аср давомида миллатлараро тотувликнинг Қозоғистон андозаси сифати эътироф этилаётганлиги мисолимизга далилдир. Мазкур ижтимоий-маданий мувофиқлаштирувчи институтга 2007 йили конституциявий мақом берилиши унинг нуфузи билан бир қаторда масъулиятини ҳам янада оширди. Қозоғистон халқи Ассамблеяси бугунги кунда 46 этнос вакилларининг 621 этномаданий бирлашмаларини қамраб⁹, улар фаолиятини умумдавлат манфаатларига мувофиқлаштириб, маданият ва анъаналар тарғиби бўйича ташкилий-услубий маслаҳатлар бериб келмоқда. Шунингдек, 11 тилда газета ва журналлар нашр этилиб, 8 тилда радиоэшиттирув, 7 тилда телекўрсатувлар эфирга узатилмоқда. Миллий тилларда чиқадиган ОАВнинг умумий тиражи 80 минг нусхани ташкил этади¹⁰.

Қирғизистон полиэтник бирлик сифатида 2009 йилда ўтказилган «Аҳолини рўйхатга олиш» маълумотларида республикада 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётгани, 2012 йилнинг охирига бориб, иноэтник қатламлар умумий аҳолининг 27,8%ни, яъни 1 млн. 545 минг кишини ташкил этиши таъкидланиб, мамлакатнинг полиэтник моҳиятига урғу берилди¹¹. Бу маълумотлар полиэтник жамият зиммасидаги масъулиятни белгилайдики, бундай масъулиятлар асосида титул миллат вакиллари етакчилигида мамлакатда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар фаолиятини мазкур жамиятнинг тараққиёти сари йўналтира билиш, бунинг учун барча миллат ва элатлар маданияти, урф-одати ва анъаналарини ҳурмат қилган ҳолда, уларнинг ривожига кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат. Миллатлараро муносабатлар такомиллашуви масалаларига мутасадди ташкилотлар адабиётларида «... ушбу ҳудудий бирликда истиқомат қилувчи барча фуқаролар, жамиятдаги барча этнослар шуни ҳис этишлари лозимки, қирғизлар ҳудуди – уларнинг ҳам маконидир, бу Ватан бу ерда тарихан истиқомат қилаётган барча миллат аждодларининг меҳри асосида қурилган бўлиб, бугун истиқомат қилаётган уларнинг авлодларининг

⁹ Есим Гарифолла. Философия независимости. – Алматы: «Білім», 2011. – С. 167.

¹⁰ Есим Гарифолла. Философия независимости. – Алматы: «Білім», 2011. – С. 167.

¹¹ Концепция укрепления единства народа и межэтнических отношений в Кыргызской Республике. – Бишкек, 2013. – С. 7.

ҳам ватанидир»¹², - дейилиши титул миллат вакилларининг иноэтник қатламларга нисбатан мавқеининг тўғрилигини ифодалайди.

Тожикистон этноижтимоий харитасига назар ташлайдиган бўлсак, расмий маълумотларга қараганда республика аҳолиси 9 млн. бўлса, шундан тўртдан бири, яъни икки млн.дан ортиғи Тожикистондаги энг катта туркий макроэтноснинг вакиллари, яъни ўзбеклар бўлиб, миқдор жиҳатидан тожиклардан сўнг иккинчи ўринни эгалайди¹³. Тожикистонда ўзбек диаспора гуруҳлари, яъни 1930-40-50-йиллар кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш мақсадида Ўзбекистондан кўчириб келтирилган гуруҳ ҳамда ўзбек ирредента гуруҳларини – бугунги Тожикистоннинг муқим ўзбеклари ташкил этади. 2017 йилнинг 9-13 май кунлари Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтганлиги, унда иштирок этиш учун санъат ва маданият вакилларидан иборат йирик гуруҳ Душанбе шаҳрига қилган ташрифи, 2017 йилнинг ноябрь ойида академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университетининг Шарқ тиллари ва ўзбек адабиёти таълим методикаси кафедраси ташаббуси билан «Ўзбек-тожик адабий алоқалари» мавзусида илмий-назарий конференциянинг бўлиб ўтганлиги¹⁴ муносабатлардаги позитив ўзгаришларни тасдиқлайди. 1990 йилдан сўнг бундай тадбир Тожикистон воқеълигида биринчи мартаба ўтказилаётганлигини ҳисобга олгудек бўлсак, бу тафаккурдаги эврилишлар ҳосиласи десак, тўғри бўлади. 2017 йилнинг 9-13 май кунлари Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунлари, 2017 йилнинг 10-14 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Тожикистон маданият кунлари бўлиб ўтиши икки халқ орасида ижтимоий-маданий ҳамкорликнинг амалдаги ифодаси сифатида эътиборлидир. Бундай маданий-адабий алоқаларни ривожлантира бориш икки миллат манфаати доирасидаги тадбирларки, Марказий Осиёдаги миллатлараро муносабатлар ривожини ҳам ушбу омил билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, 2018 йилнинг 9-10 мартда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи, 2018 йилнинг 17-18 августида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи сиёсий алоқалар ривожини билан бир қаторда миллатлараро муносабатларда ҳам янги сифатий босқич бўлди.

Туркманистон Республикаси ҳам кўп миллатли республика бўлиб, унда норасмий маълумотларга қараганда элликдан зиёд миллат ва элатлар истиқомат қилишади. Собиқ советлар воқеълиги шароитида Туркманистонда туркманлардан сўнг руслар, учинчи ўринда эса миқдор жиҳатидан ўзбеклар турар эдилар. 1989 йилги СССРда аҳолини рўйхатга олиш маълумотларида ўзбеклар 317.333 киши, ёки умумий аҳолининг 9,0%ини ташкил этганлар. Яъни, 1926 йилда ўзбеклар 10,5%ни, 1939 йилда 8,6%ни, 1959 йилда 8,3%ни, 1979 йилда 8,5%ни, 1989 йилда 9,0%ни, 1995 йилда эса 9,2%ни ташкил

¹² Народ Кыргызстана в семье единой./В.В.Нарозя, А.Л.Шафир и др. – Бишкек, 2014. – С. 7.

¹³ Тожикистон ватаним //Ҳақ сўз. Тожикистон ўзбек жамиятининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий газетаси. – Душанбе, 2012. Май. №2(83).

¹⁴ Аҳмедова Б. Иккиси дўстдир азалдан...//«Суғд ҳақиқати» газетаси. Суғд вилояти давлат ҳокимияти ижроия органи нашрияси. – Хўжанд, 2017. (№93) 15 ноябрь. – Б.3.

этишган ¹⁵. Ўзбеклар Амударё ҳавзаси бўйлаб шарқ ва шимолий-шарқ йўналишларида зич жойлашган бўлиб, Чоржўй ва Тошовуз вилоятларида кўпчиликни ташкил этади. Туркменистонлик ўзбекларнинг таъкидлашларича, Тошховуз (бугунги кунда Дашоғуз (Ўғиз дашти)) вилоятида ўзбеклар аксариятни ташкил этиб, бундан ўттиз-қирқ йил илгари вилоят аҳолисининг тўқсон фоиздан кўпроғини ўзбеклар ташкил этишган.

2017 йилнинг ўзида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг уч мартаба давлат ташрифи, жумладан 6-7 мартдаги Ашхобод ва Туркманободга, 19-20 майдаги «Аваза» миллий туристик мажмуасига, 17 сентябрда Ашхободдаги «Жанговар санъатнинг V Осиё ўйинлари» тантаналарининг очилиш маросимидаги иштироки ҳамда ушбу ташрифлар хулосаси сифатида Ўзбекистон ва Туркменистон орасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши муҳим қадам бўлди. Ўзбек ва туркман халқлари орасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутадик, бундай муносабатларнинг ҳуқуқий асоси сифатида 2017-2019 йилларда Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлари орасидаги ҳамкорлик Дастури асосида 2017 йилнинг 7 мартда Туркманобод шаҳрида Ўзбекистон ва Туркменистон Республикалари санъат усталарининг биргаликдаги концерти, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик асарларининг кўргазмаси, 2017 йилнинг 12-16 ноябрда Туркменистонда Ўзбекистон маданияти кунларининг ўтказилганлиги ўзбек ва туркман халқлари орасидаги муносабатларнинг ижобийлашини таъминлаб, тафаккур тараққиётида ижобий воқеа бўлди.

